


2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

Ёш иқтидор соҳибларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказиб келинаётган "Янги авлод – 2010" болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи Олмалиқ шаҳар "Металлург" санъат саройида бўлиб ўтди. Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Турли кўрик-танловларнинг ўтказилиши ёш истеъдод эгаларини кашф этиш имконини бераётди.



ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР АНИҚЛАНДИ

Анъанавий "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали ҳам шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалнинг куйи босқичларида вилоятимизнинг икки ярим мингга яқин ўғил-қизлари иштирок этди.

Улар орасидан сараланган иқтидорли иштирокчилар вилоят босқичида классик, вокал ва миллий чолғу асбоблари ижрочилиги, тасвирий ва амалий санъат, бадиий иқид каби йўналишлар бўйича ўз маҳоратини синовдан ўтказди.

Президентимиз томонидан ёш авлодга кўрсатилаётган алоҳида ғамхўрлик, яратиб берилаётган кенг имкониятлар туфайли иқтидорли йигит-қизлар сафи кен-

гайиб бормоқда, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси Иброҳим Холматов. – Шу мақсадга йўналтирилган "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали ҳам ёшлар ўртасида кизиқиш тобора ортиб бораётди. Буни танловнинг вилоят босқичида 870 дан зиёд ўғил-қиз қатнашгани ҳам кўрсатиб турибди.

Яқини натижаларга кўра, классик мусиқа



бўйича Комила Курматова, миллий мусиқа йўналишида Абдулазизбек Абилов, вокал йўналишида Комила Абдуллаева, рақс йўналишида Олмалиқ шаҳрининг "Сюрприз" жамоаси, амалий ва тасвирий санъат йўналишида Достон Бердиев голиб чиқди ва фестивалнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди.

СУРАТЛАРДА: фестивалдан лавҳалар.

Даврон АХМАД олган суратлар.

ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

ЁЗДА ЁПИНЧИФИНГНИ ҚЎЙМА...

Қиш кунларида уйимиз иссиқ бўлиб, ҳеч нимага зорикмай яшашни истаймиз. Ишқилиб, бу йил электр, газ, сувдан муаммо бўлмасин-да, деярлик қиламиз. Бу масаланинг бир томони – ўзимизга, яъни истеъмолчи сифатида мажбуриятларимизни қанчалик оқилона бажаришимизга боғлиқ бўлса, иккинчи томони мутасадди ташкилотларнинг ўз вазифаларига муносабати билан белгиланади.

Юқоричирчиқ туманида иқтисодиёт тармоқларини, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объекти ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларида қиш мавсумига тайёрлашда пухта чора-тадбирлар амалга оширилди. Энг аввало, иқтисодиёт тармоқларини қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида туман ҳокимининг махсус қарори қабул қилиниб, тадбирлар режаси ҳамда туман комиссияси таркиби тасдиқланди.

"Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бирлашмаси Янгибозор бўлими раҳбари Эсонбой Пердишевнинг таъкидлашича, 110 километр узунликдаги иссиқлик тармоқлари капитал таъмирланди. Иккита қозонхона, 7 та қозон ҳамда 700

метр иссиқлик узатиш тармоқлари жорий таъмирланди. Натижада, узатиладиган иссиқлик босими бир маромада ушлаб турилади. Уйингизда бир кун сув бўлмаса, кўлингиз ишга бормади. Ювқусиз идиш-товуқлар асабингизни бузади. Агар шу ҳолат қишда юз берса-чи?

Бундай нохушлиқнинг олдини олиш мақсадида туманда ичимлик сув тармоқларининг 310 метри мукамал ҳамда 2,1 километри жорий таъмирланди. Туман "Сувқоға" корхонаси мутасаддилари бу билан чекланмоқчи эмаслар.

Илгарилари коммунал таъминотда узалишлар бўлиб турарди, – дейди Ойбек маҳалласидаги 6-уйнинг 15-хонадонда яшовчи Искандар Шокиров. –

таълими бўлими бош мутахассиси Искандар Овашбоев. – Барча муассасалардаги ҳар бир синф ва хонада қиш мавсуми учун "Захира кути"лари ташкил қилиниб, уларга ойна ва эшикларнинг тиришларини беркитиш учун пахта, лент ва скотчлар жойлаштирилди. Бундан ташқари, 60 метр ташқи ва 380 метр ички иситиш тизимлари созланди. Деразаларга 420 квадрат метр ойна солинди, томлар таъмирланди. Энди ўқувчиларимиз иссиқ ва шинам хоналарда бемалол ўқшади.

Фуқаро Ҳадича Динисломованинг айтишича, унинг фарзандлари 19-умумтаълим мактабига қатнашар экан. Илгари улар жисмоний тарбия дарсларига чиқибдан безор бўлишарди. Сабаби, мактаб спорт залининг томидан чакка ўтар, иситиш тизими ишламас эди. Энди бундай муаммоларга чек қўйилди. Спорт залининг бир қисми янгиланди. Иситиш тизими ҳам талаб даражасига келтирилди.

Хурида НАЗАРОВА.

Қизил Ярм ой жамияти ўртачирчиқ туман бўлимида "Соғлом турмуш – соғлом келажак сари" хайрия тадбири бўлиб ўтди.

ЖАМИЯТ ТАШАББУСИ

Маҳаллалардаги 10 та кам таъминланган оила кийим-кечаклар билан таъминланди.

Шунингдек, тадбирда аҳолига беғараз донорлик хизмати кўрсатиш самаралари тушунтирилди. Шокир ХАЛИЛОВ.

САЛОМАТЛИК

УЗОҚҚА БОРИШНИНГ ҲОЖАТИ ЙЎҚ

Юқоричирчиқ туманидаги Жумабозор қишлоқ врачлик пункти иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, муассаса аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб, эл назарига тушиб улгурди. Унда малакали шифокор ва ҳамширалар ишламоқда. Улар касбларига масъулият билан ёндошиб, беморлардан маслаҳатларини аямай, сидқидилдан меҳнат қиладилар.



нора Худойкулова. – Туманимиздаги 3290 аёлининг барчаси доимий тиббий назоратда. Қолаверса, ўсмирлар, балоғат ёшидаги қизлар учун мактаб, лицей ва коллежларда турли давра суҳбатлари уюштириляпти. Оила соғломлиги, қизлар гигиенаси, тиббий маданият хусусида тушунтиришлар бераёلمиз. Шунинг учун кейинги вақтларда туманимизда эрта никоҳдан ўтиш,



Пункт қишлоқнинг 7 мингга яқин аҳолисига хизмат кўрсатади. Бу ерда барча шарт-шароит ва қулайликлар мўҳайё. Хоналар зарур жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, яқинда Япониянинг JICA ташкилоти тақдим этган янги тиббий ахборот келтирилди. Шунингдек, бу йил муассасани капитал таъмирлаш учун 12 миллион сўм маблағ сарфланди. Пунктда иссиқ сув, газ ва электр тармоғининг узлуксиз ишлаши йўлга қўйилди. Муассасада ЭКО, ФЭК лабораторияларидан тортиб, жарроҳлик бўлимигача бор.

– Ҳозир мураккаб касалликларни ҳам жарроҳлик йўли билан даволяёلمиз, – дейди шифокор Нурмат Абдумуродов. – Узимизда яратилаётган бу каби қулайликлар аҳолига енгиллик яратмоқда, мушкулларини осон қилмоқда.

Оила мустаҳкамлигини таъминлашда оналар ва болаларнинг саломатлиги катта аҳамият касб этади. Шундан бўлса керак, пункт ходимлари бу масалага

алоҳида ёндошадилар. – Соғлом онагина фарзандини соғлом тарбиялаб, оилада соғлом муҳит яратиб олади, – дейди шифокор Гул-

она-болалар ўлими каби нохуш ҳодисалар кузатиляпти.

Ирода НОРБОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

СУРАТЛАРДА: қишлоқ врачлик пункти замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Даврон АХМАД олган суратлар.

«Микрокредитбанк»:

МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТГА ҲАМИША ТАЙЁРМИЗ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иш-хотлар жараёнида хусусий мулкнинг иқтисодиётдаги улуши кўпаймоқда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда ҳамда мамлакатимиз учун муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда етакчи ўрин тутмоқда.

"Микрокредитбанк" вилоят бошқармаси ва унинг туман филиаллари 2010 йилнинг 9 ойида давлатимиз раҳбарининг банк тизимини ислоҳ қилишга оид Фармон ва Қарорлари ижроси, давлат пул-кредит сисъатини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида микромолиявий хизматлар бўлими бошлиғи Ирода Қосимова куйидагиларни сўзлаб берди:

– Вилоят "Микрокредитбанк" туман филиаллари 2010 йилнинг 1 октябрга ҳолатига 12 минг 873 миқдорида банк хизматлари кўрсатди. Айтиш мумкинки, Юртбошимизнинг "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда микромолиявий институтлари тизимини кенг қулоқ ёйиши учун катта имкониятлар яратди. Натижада микрокредит ва микролизинг хизматлари

соҳасида ўзига хос афзалликлар юзага келди. Банкнинг ўзига хос жиҳати шуки, миқдорларини махсус семинарларда икки марта ўқитиб, сўнгра лойиҳаларни молиялаштиради. Бу микросарможалар самардорлигини таъминлайдиган муҳим омилдир. Чунки, бўлғуси миқозлар ўқув машғулотларида микрокредитлардан самарали фойдаланиш ва бизнес режалар тузишни ўрганадилар.

Аёлларнинг иқтисодий фаолиятларида иштирокини кенгайтириш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истиғида бўлган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий кўмак бериш мақсадида республика хотин-қизлар кўмитаси, тадбиркор аёллар уюмлари билан ҳамкорликда туман ва шаҳарларда семинарлар ўтказилди.

Олиб борилган тушунтириш ишлари ва саъй-ҳаракатлар натижасида хотин-қизлар шуғулланиши мумкин бўлган каштачилик, дўппидўзлик, чопон тикиш, анъанавий матолар тўқиш

ҳамда зардўзлик соҳалари учун микрокредитлар ажратилиши, хотин-қизларнинг уйдан ажралмаган ҳолда иш билан таъминланишига асосий этибор қаратилмоқда.

Асосан аёллар меҳнатидан фойдаланиладиган ва улар бошқарадиган 720 та тадбиркорлик субъектига ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш учун 1 миллиард 607 миллион 900 миқдорида микрокредит ажратилди. Шу микросарможалар ҳисобидан 1000 тага яқин янги иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари тадбиркорлик билан шуғулланишга бўлган хотин-қизларимизга қулайлик яратиш мақсадида бир миллион сўмгача ажратилиши режалаштирилган микрокредитларни гуруҳ кайлиги асосида бериш йўлга қўйилган.

Вилоят ҳокимлигида касб-ҳунар коллежи битирувчиларини кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликка жалб қилиш ва шу орқали уларни доимий иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида "Ёш тадбиркор – юрта маддадор" анъанавий тақдиминомаси ўтказилди. Бу тадбир "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ижроси юзасидан "Микрокредитбанк" ва вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, ҳу-

нармандлар уюмлари ҳамкорлигида ташкил этилди. "Микрокредитбанк" бу борада билимли, изланувчан, ташаббускор ёшларни топиб, улар билан ҳамкорлик ўрнатмоқда. Жумладан, бу йил банк ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш учун касб-ҳунар коллежларини битирувчи ўн етти ўқувчига 68 миллион сўм миқдорда имтиёзли микросарможалар ажратди. Бошловчи тадбиркорларнинг кўпчилиги чеварлик ва чорвачилик билан шуғулланувчи ёшлар.

Вилоят касб-ҳунар коллежларининг пухта билимга эга бўлган, ўз куч ва имкониятларини турли танловларда синаб кўрган ҳамда аниқ бизнес режаларига эга бўлган 150 битирувчи "Микрокредитбанк"нинг бошланғич сармоа олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлари билан таъминланди.

Жамоамиз 2010 йилни муваффақиятли якунлаш мақсадида йил охиригача барча молиялаштириш манбалари орқали 1 миллиард 200 миллион сўм кредит ажратиб, қўшимча 500 та янги иш ўринлари яратишни режалаштирмоқда.

Сўхбатни "Тошкент ҳақиқати" муҳбири Камоллиддин АСҚАРОВ ёзиб олди.

дилдан раҳмат айтишса, шуни ишимизга берилган муносиб баҳо деб биламан.

Тураржойлар билан ёнма-ён қад ростлаган 20 та уйда ҳам иш қизгин бормоқда.

– Бизнинг ҳам ишимиз ниҳоятламоқда, – дейди "Бунёдкор" масъулияти чекланган жамияти бригадани бошлиғи Ориф Аҳмедов. – Пардозлаш, йўлларни текислаш охирига қолди. Ниятимиз – уйларни шу ойда эгаларига топшириш.

Иккала қурилиш ташкилоти ўзига топширилган уйларни қуриб битказди.

Демак, ҳовли тўйларга яқин.

Жамила АРСЛОНОВА.

МАШҒУЛОТДА ҲАМИША ВА ОШПАЗЛАР

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташкил этган йилгиликда мактабга таълим муассасаларидаги болажонларнинг соғлом овқатланиш рақибонини тўғри шакллантириш, улар учун тузилган таомнома тақсимоти доимий равишда янгилаб бориш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбир давомида соҳа мутахассислари томонидан "Мактабга таълим муассасаларида тиббий хизматни ташкил этиш", "Болаларни соғлом овқатлантириш ва санитария-гигиена бўйича ишларни олиб бориш", "Эпидемиологияга қарши тезкор чора-тадбирларни ишлаб чиқиш", "МТМда соғлом овқатлантиришни ташкил этиш" мавзуларида маърузалар тингланди.

Шунингдек, кичик ёшдаги болажонларда учрайдиган турли касалликларнинг олдини олиш, она ва бола саломатлигига муҳим эътибор қаратиш ҳамда аҳолининг репродуктив саломатлигини тиклаш бўйича мулоҳазалар билдирилди. Азия ҚИЁСОВА, "Туркистон-пресс".

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ

ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ ЯҚИН

Тошкент-Самарқанд йўлидан бориб, Ёнғоқ гузаридан бироз ўтсангиз, чап томондаги кенг дала бағрида қад ростлаган қатор янги уйларга нигоҳингиз тушади. Бу, республика Президентининг "Қишлоқ жой-

ларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан намунавий лойиҳалар бўйича қад ростлаган замонавий тураржойлардир.

Эркин қишлоғининг «Туркистон» маҳалласига борган киши намунавий лойиҳа асосида қурилган 50 та тураржой биносини кўриб, ҳавас қилиши табиий. Баҳорнинг ўрталарида пойдевори қў-

йилган бу уйлардан 35 тасининг томлари ёпилиб, сувоқдан чиқарилган. Пардозлаш, сантехника ишлари олиб боришда. – Биз 15 та уй қурдик, – дейди "Агерес-стар" масъу-

лият чекланган жамияти иш бошқарувчиси Ренат Минибоев. – Шундан 5 таси икки қаватли бинолар. Ҳозиргача бу уйларга сув, газ, электр энергияси киритилди. Бинолар топширилгунча бажари-

ладиган қурилиш-пардозлаш ишларининг 95 фоизи битди. Ҳар куни 55 ишчи юксак унум билан меҳнат қилмоқда. Уй эгалари тез-тез келиб, пардозлаш-ободонлаштириш ишларининг боришидан хабар олиб туришибди. Ҳамма ишимиз сифатидан мамнун бўлялапмиз. Шу ойнанг охирида барча уйларнинг калитини эгаларига топшираемиз. Биз қурган уйларга кўчиб қираётган оилалар чин

ФЕРМЕРНИНГ ҚУВОНЧИ

Чиноз туманидаги "Ишонч. Ҳосил. Барака" фермер хўжалиги йилни муваффақиятли яқунламоқда. Механизаторлардан ота-ўғил Марат ва Ахтам Имомовлар, шунингдек, Соибжон Исабоев, Обидхўжа Норхўжаев сингари тажрибали пахтакорларнинг ғайрат-шижоати билан далаларда мўл ҳосил етиштирилди.

– Бу йил 160 тонна бугдой, 136 тонна пахта топшириб, шартнома режаларини ортиги билан баҳардик, – дейди хўжалик раҳбари Нурғали Норхўжаев. – Шу кунларда экин майдонларини ғўзаполадан тозалаб, қузги шудгорни бошлаш арафасида турибмиз. Бугдой сеилган далаларимиздаги яшил майсалар кўзни қувонтирмақда.



Ҳақимжон ЖҲУРАЕВ.
СУРАТДА: фермер Нурғали Норхўжаев.
Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ЯНГИ ЖУРНАЛ ТАҚДИМОТИ

Мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳасини изчил ривожлантириш, аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг замонавий технологияларга оид билимини юксалтириш даъватини томонидан юртимиздаги яшаш шартлари ва умумий йўналишларидан.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳаласи ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан болалар ва ўсмирларга мўлжалланган илмий-техникавий, маънавий-маърифий, оммабоп "XXI аср технологиялари" журналининг таъсис этилгани бунинг далилидир.

Ўзбекистон Фанлар академиясида мазкур журналнинг тақдимот маросими ўтказилди. Тақдирда тегшли вазирилик, идора, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, журналистлар ва педагоглар иштирок этди.

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш. Солиҳов Президентимиз раҳнамолигида фан ва инновация ютуқларини жамиятимизга кенг тарқатиш, ёш авлоднинг ижодий, интеллектуал ва илмий салоҳиятини юксалтириш йўлида амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотларни юксак самара бераётганини алоҳида таъкидлади. Бу бордаги эзгу ишлар қўламини Баркамол авлод йилида янада кенгайтирмоқда.

"XXI аср технологиялари" журнали фан ва технологияларни ривожлантириш йўлида мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган янгиликларни изчил ёритиш, навқирон авлоднинг янги технологияларнинг назарий ва амалий жараёнларига кенг баҳо беришдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Наширнинг нишонна сонидан "Технологик тарқатиш олимлари", "Келажак мўъжизалари", "Техносўзгана", "Илмий лабораторияларда", "Тенгдошларнинг ижодидан", "Табаруқ сиймолар", "Буюк ишқорлар тарихидан", "Қизиқчан кенг дунё" каби рўнқларда юртимиз ва жаҳон илм-фани эришадиган илмий ютуқлар, яратилган замонавий технологиялар аҳамияти кенг ёритилган.

У.А.

ЗАМОНДОШ СУРАТИГА ЧИЗГИЛАР

Ҳаёт синовларига дош бериб, ҳар қандай шароитда ҳам истиқболни кўзлаб, умид билан яшаган, сабр-қаноатли, интилувчан ва изланувчан инсонлар жамият тамойилларига ҳамоҳанг қадам ташлаб, ҳамини орзу-мақсадларига эришадилар, эл-юртда обрў-эътибор топадилар. Ҳазалкент қишлоғида шундай бир инсон яшайди. Унинг бутун ҳаёти Ўзбекистон мустақиллиги, барқарор иқтисодий ривожланиш билан узвий боғлиқликда кечмоқда.

– Хорижий инвестициялар, янги технологиялар дастлабки йиллардаёқ ёш муқтаил давлатимиз раҳнамолигида қанчалик катта аҳамиятга эга бўлгани яхши маълум, – дейди бугун "Беш бола" спорт клубини ташкил этиб, болалар спортини ривожлантириш жабҳасида ўз салоҳияти ва иқтисодини намоён этаётган тадбиркор Машраб Мақсумов. – Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, ўн беш йил "Конвин" қўшма корхонасига раҳбарлик қилдим. Бу корхона хорижий инвестиция ва технологиялар асосида иш ўринларини кенгайтириш, маънавий экспорт салоҳиятини оширишда салмоқли ўрин тутди. Ҳозир тадбиркорлик, тижорат ишлари билан шуғулланаяман. Тинч фаолиятдан бўшагач, туман ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида яна ҳам фаол иштирок этиш имконияти туғилди...

Дарҳақиқат, куч-ғайрат, ташаббус унда, амалий фаолият учун майдон топила экан. Машраб Мақсумов ҳаётини тажрибасида бунга амин бўлди. У ўз саъй-ҳаракатларини туман спорт ҳаётини жонлантиришга, ёш йигит-қизларни спорт оламига олиб киришга, улар ўз салоҳиятини тўла намоён этишлари учун шарт-шароитларни кенгайтиришга йўналтирди. Бу интилувчаннинг натижаси сифатида Ҳазалкент қишлоғида "Спорт плюс беш бола" мажмуаси қад ростлади. Барпо этиш учун 150 миллион сўм сармоя сарфланган бу клубнинг бағрида тренажёр заллари, теннис, шахмат-шашка клублари очилди.

– Ҳозир тўғарақларимизда 150 ўғил-қиз шуғулланяпти, – ҳикоясини давом

ҲАЗАЛКЕНТЛИК ҲОТАМТОЙ

этирлади тадбиркор. – Таланти мураббийлардан Николай Громовский билан Евгений Назаров уларга мураббийлик қилишмоқда.

Умуман, кейинги йилларда Бўстонликда болалар спортини ривожлантириш учун кўп ишлар қилинди. Қораманас қишлоғида "Абай" болалар спорт мажмуаси барпо этилди, бошқа ўндан ортқк ўйингоҳ ва киши спорт заллари, профессионал бокс ринги қурилди. Мана шу кенг қўламли ишларнинг самараси сифатида айтиш мумкинки, апрелда Чирчиқ шаҳрида пауэрлифтнинг бўйича ўтказилган республика биринчилигида Дмитрий Юсупов билан Евгений Назаров Ўзбекистон чемпиони унвоига сазовор бўлиб, олтин медаллар билан тақдирландилар. Улар Монголияда ўтказилган Осиё ва Чехияда ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Май ойида Ҳазалкент шаҳрида ўтказилган республика чемпионатида ҳам Бўстонликдан уч спортчи Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Тадбиркорлар ва ишбилмонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-Демократик партияси туман кенгаши М. Мақсумов номзодини 8-Марказий сайлов округидан ҳалқ депутатлари

туман кенгаши депутатлигига кўрсатди.

Тадбиркорнинг саъй-ҳаракатларидан яхши таниш бўлган сайловчиларнинг ақсариёти бу номзод учун овоз берди. У дастлабки сессияда ҳалқ депутатлари туман кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисо-

фоиз бажарилишига олиб келди.

– Бирок, ҳалқ хўжалигида фойдаланилмаётган имкониятлар ҳали кўп, – мулоҳазасини давом эттирди депутат. – Ахир, туман иқтисодиёти барқарор ривожланиб бораётган бир пайтда, айтайлик, "Саноатуй-энергоқурилиш", "Сувоқова" корхоналари, ветеринария бўлими ёки миллий банк башорат кўрсаткичларидан орқада қолганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Шуларни ҳисобга олиб, доимий комиссиямиз сиёсий партияларнинг депутатлик гуруҳлари билан иккита учрашув ўтказди. Уларга корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам тақлиф этилди. Худудий дастурлар бажарилиши таҳлил қилиниб, меҳнат жамоалари барқарор ишлашини таъминлаш йўллари белгилаб олинди.

Депутатлик гуруҳи ва доимий комиссия фаолиятини изчил йўналтириш, сайловчилар билан учрашувлар, ариза, тақлиф ёки муражаатномаларни вақтида малакали кўриб чиқиш, спорт клубидаги машғулотларни назорат қилиб бориш, оғир атлетика, футбол, теннис, пауэрлифтинг ва бошқа спорт турлари бўйича туман, вилоят ёки республика мусобақаларига ҳомийлик ишлари... Буларнинг ҳаммаси кишидан катта куч ва салоҳият талаб қилади. Тиниб-тинчимас тадбиркор Машраб Мақсумов бу ишларнинг барчасини амаломда.

– Шу кунларда клубимиз қошида спортчилар учун ётоқхона қураямиз, – деди сўбатда яқун асаб Машраб Мақсумов. – Бу иншоотнинг лойиҳа қиймати 180 миллион сўм. Уни ишга туширсак, ёш спортчиларимиз учун қўшимча қўлайликлар яратилади, машғулотлар мунтазам тус олади. Демакки, спортчиларимизнинг йирик халқаро спорт майдонларига чиқиш имкониятлари кенгайди.

Жўра САДҲУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

ЖИВАН ДУНЁ

АВСТРАЛИЯ АБОРИГЕНЛАРНИ ТАН ОЛМОҚЧИ

Австралияда аборигенларни тан олиш тўғрисидаги низомни конституцияга киритиш масаласи юзасидан умуммиллий референдуми ўтказилди.

AFP агентлиги тарқатган хабарга кўра, мамлакат бош вазири Жулия Гиллард шу фикрни айтган. Хозирча референдум ўтказилмаган сана белгилангани йўқ, аммо, бу масала 2012 йилнинг бошларигача овозга қўйилмаслиги аниқ.

Ҳозир 22 миллион аҳолиси бор Австралияда 470 минг абориген яшамоқда. Қитъани ўзлаштиришнинг бошида бу тубжой халқ бир миллиондан кўпроқ эди. Улар жамоатчиликнинг

энг камбағал ва ижтимоий ҳимоясиз қатлами бўлиб қоляпти.

Австралияда аввалги умуммиллий референдум 1999 йилда бўлган. Унда мамлакатни республикага айлантириш масаласи кун тартибига қўйилган. Аммо австралияликлар қарши овоз берди. Умуман, 1901 йилдан буён Австралияда 44 та референдум ўтказилди ва фақат саккизтасида мамлакат аҳолиси овозга қўйилган масалани маъқуллади.

САМОЛЁТ ДВИГАТЕЛИНИНГ "КАСАЛИ" АНИҚЛАНДИ

Бир неча кун илгари яшил қитъанинг Qantas авиакомпаниясига тегшли А380 самолёти авария ҳолатида ерга қўнишга мажбур бўлганлиги ҳақида хабар тарқатилган эди.

AFP агентлиги авиакомпания самолётнинг учта двигателида айрим нуқсонлар борлигини аниқлаганини маълум қилди. Компания раҳбари Алан Жойс двигателларда мой топишганини айтди. Ваҳолаки, уларда мой бўлмағлиги керак. Биз энди шу масала устида ишлашимиз зарур, деди у.

Оз берган авария ҳолати муносабати билан эълон қилинган А380 самолётлари учинини тўхтатиш тўғрисидаги қарор авиакомпания двигателнинг хавфсиз ишлашига тўла ишонч ҳосил қилмагунча, ўз кучида қолишини маълум қилди.

Авиакомпания дунёда энг йирик ҳисобланган 6 та А380 лайнерига эга. Утган 90 йил давомида одамлар умрига завол бўлган бирорта ҳам авиация ҳалокат юз бергани йўқ.

НИГОХ

МИЛЛАТЧИЛИК ГҲЛЖАНИ АЛАНГА ОЛМОҚДА

Тожикистонда миллатлараро босим, хур фикрли кишилар ва майда миллат вакиллари эзиш йилдан-йилга зўрайиб бораёпти. Мамлакатда эндигина мустақиллик шомоли эса бошлаган даврда рус, киргиз ва ўзбек мактабларининг етиши фойдаси бўлди. Майда миллатларнинг ҳуқуқлари республика маъмуриятининг тўла розилиги билан қамсатилмаяпти. Бошқарувнинг қийнаш, қувғин қийнашга асосланган ўрта асрга ҳос усули Тожикистонни "назардан қолганлар" мамлакатига айлантирди.

Аҳолининг учдан бирини ташкил этувчи, тожик адабий тилини яхши ўзлаштирмаган рус, киргиз, ўзбек ва бошқа бегона миллат вакиллари қонуний асосларда давлат маъмурияти ва бошқарув органларида ишлайдиган маҳрум этилганлар. Кейинги йилларда ҳуқуқларнинг ички сиёсатида ўзбекларга қарши хатти-ҳаракатлар анча кучайди. Бу кўпроқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат тизимларига тааллуқли. Ўзбек миллатига мансуб хизматчилар турли баҳоналар билан бу соҳалардан қувилмоқда. 2009 йилнинг ноябрида Сухроб Бобоҷонов билан Сарвар Тошев интизомни бузганили баҳонасида Сўғд вилояти божхона хизмати бошқармасидан бўшаб юборилди. Тожикистоннинг Панжикент туманида туғилиб келиш, шу мамлакатнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлган бу йигитларнинг бор-йўқ айби – ўзбек эканликлари.

Тожикистон конституциясида мувофиқ жинси, irqи, миллати, тили, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, республиканинг барча фуқаролари бир хил ҳуқуққа эгалар ҳамда қонун олдида тенглар. Уларнинг конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, бу ҳуқуқ ва эркинликлардан ҳеч ким судсиз маҳрум этолмайди ва қелай олмайди.

Бирок, тожикистонлик бошлиқлар бундан назар-писанд қилмайдилар. 2009 йил декабрида Сўғд вилояти ички ишлар бошқармаси жиноий қидирув бўлими бошлиғи Анавар Ризаев гўё оператив хизмат чоғида ҳуқуқбузарликка йўл қўйган ички ишлар бўлимида бўшатиб қўйилган. Яна ўша "сабаб" – у этник ўзбек, аммо, ўз мамлакатига содиқлик ҳақида

қасамёд қилган Тожикистон фуқароси.

Тожикистон Республикаси давлат чегарасини кўриқлаш қўмитаси харбий қисми взвод командири Уроков Ғиёвханд моддалар контрабандасига алоқадорликда гумон қилиниб, ишдан бўшатибди. У 2009 йил августда шу қисмда хизмат қилиш учун келиб, икки ой ичида "ғиёвханд моддаларни ташқиш қаналини йўлга қўйган" эмиш. Бу алаҳисраш, албатта. Аммо, ўзбеклардан қутулиш ҳақида аниқ-тайин кўрсатма олган раҳбарлар учун бу хатти-ҳаракат оддий нарсас. Лейтенантнинг асосий "айби" шуки, у мамлакатнинг Турсунзода туманида ўзбек оиласида туғилган.

Америка Қўшма Штатлари, масалан, Ироқ ва Афғонистон билан урушайотиб, Шимолий Корея ва Эрон билан муносабатлари анча таранг. Шундай бўлсада, АҚШ фуқаролари – келиб чиқишлари жиҳатидан эронлик, ироқлик, афғонистонлик ёки шимолий корейликлар мамлакат ҳудудида тенг ҳуқуқларга эгалар. Улар парламент аъзолари, бошқарув органларида лавозимга эгалар, олий ўқув юртурларида дарс берадилар. Чеченлар Россиянинг марказий минтақаларида кўп сонли миллат ҳисобланадилар. Улар ҳам Россия фуқаросининг ҳамма ҳуқуқларидан тўла фойдаланадилар, у ёки бу фонддан лавозимларига эга. Қуролли Кучларда хизмат қилишади. Фуқаролик ҳам, фуқаролик масъулияти ҳам беш омил ҳисобланади ва хар икки йўналиш – юқоридан қўйилган ва қўйдан юқорига бирдек амал қилади.

Тожикистонда эса ҳаммаси ақсинача. Миллий шовинизм ҳокимиятнинг энг юқори қатламларида ҳам сингиб, кенг илдиз отган. Ҳуқумат тожик бўлмаган хар

бир одамга қучли ва хавфли душман деб қарайди. Айнан шу бемаъни тасаввур туфайли бундай "бегона"лардан қутулишга ҳаракат қилади. Панжикент тумани ҳокимлигининг икки етакчи мутахассиси, Муғол ва Янгикишлоқда туғилиб ўсган икки ўзбек мансабларидан четлаштирилиб, дастёр (куръер) ва иш юртувчи даражасига тушириб қўйилди. Айтиш мумкинки, ҳуқумат ўзбекларга қарши кайфиятнинг атайлаб авжига чиқармоқда.

Давлатга қаршили оммавий ахборот воситалари, "ғилоф"га олинган радио орқали "Ўзбекистон маъмурилари тожик-ўзбек чегарасидан ўтишни тақиқладилар" деган "узунқулоқ" гапларни атайлаб тарқатиб, оқибатда Тожикистон Республикасини озик-овқат ва иқтисодий қамалда қолдиришмоқдалар. Улар халқни бундан қалғитиш мақсадида ўз хатти-ҳаракатларида ўзбеклар томонидан давлат чегаралари ёпилганига қарши чора дея тушунтиришга уринмоқдалар. Мамлакат раҳбарлари чегара қўшинлари бош бошқармасининг қонуний қарори тўғрисида эканлигига шу йўл билан ишонтиришга умид боғламоқдалар. Аслида беш бошқарма чегара қўшинлари харбий хизматчиларига чегарадан ўтаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасидан "максус хизмат агентлари"ни топиш учун қаттиқ чоралар қўллаш тўғрисида кўрсатма берган.

Мамлакат жамоатчилигини миллатига қараб яхши ё ёмонга ажратиш, агар бунинг бошида ҳуқуқнинг ўзи турган бўлса, бу ижтимоий портлашга олиб келади. Республика аҳолиси, шу жумладан, ўзбекларда ҳам фуқаролар қарама-қаршилиги бўлиб етарли тажриба бор. Киргизистонда юз берган тартибсизликларга уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик сабаб бўлгани жиддий сабоқ вазиёсини ўтати лозим. Миллий душманлик гўлхани узок ёнади ва уни ўчириш учун кўп азият қилишга тўғри келади.

Элдор ҲАСАНОВ,
tajmigrant.com.

ХИМОЛАЙДА ВЕРТОЛЁТ ҚУЛАДИ

Эверест тоғида қўтқариш операциясини ўтказиётган вертолёт қулаб тушди. Уни энг моҳир непаблик учувчидан бири бошқараётган эди.

Гувоҳларнинг ҳикоя қилишича, Сабин Баснет бошқарган вертолёт аввал ёниб кетиб, сўнг денгиз сатҳидан 6800 метр баланд бўлган Ама-Даблам тоғи қояларига қулаб тушган.

Учувчи Сабин Баснет шу йилнинг бошида уч испан альпинистини қўтқариш чоғида вертолётини 7 минг метрдан баландроққа қўтаришга эришган. Хайриятки, операция муваффақиятли яқунланганди.

Қулаган вертолёт ва фавқулодда тирик қолганларини топиш мақсадида қидирув гуруҳи ташкил этилди. Химолайга хар йили қўллаб сайёҳлар келиши муносабати билан Непалдаги ягона авиакомпания учувчилари учун иш топилиб туради. Жумладан, Баснет қийин вазиятга тушиб қолган икки альпинистни қўтқариш мақсадида Ама-Дабламга қўтарилган эди.

Ҳалокат сабаблари ва қидирув натижалари ҳақида ҳозирча аниқ маълумотлар эълон қилинмади.

ҲУҚМДОР ПАРТИЯ ЕТАКЧИЛИК ҚИЛАЯПТИ

AFP агентлиги Грециядаги ҳуқмдор Социалистик партия маҳаллий сайловларда дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича энг кўп овоз олганини маълум қилди.

Маълумотларга қараганда 13 минтақадан 8 тасида социалистлар устуликка эришган. Қолган бештасида тахминий ҳисобларга қараганда, муҳолифатчи Консерватив партия ғалаба қозонади.

Сиёсатчиларнинг башоратида кўра, Социалистик партия мамлакат бўйича 35 фойз, консерваторлар эса 32 фойз овоз олади.

Сайловлар арафасида социалистлар етакчили, мамлакат бош вазири Георгис Папандреу агар мелин партияга ютқазса, муддатидан илгари парламент сайловларини эълон қилишга мажбурман деди.

Панандреу телевидение орқали муражаатда илгариги йўналишини давом эттириб, бошланган ислохотларни охирига етказишини маълум қилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

САЁҲАТЧИЛАРНИНГ ҚАДАМИ УЗИЛМАЙДИ

1992 йили Президентимизнинг фармонида мувофиқ "Ўзбектуризм" Миллий компанияси ташкил этилиб, 115 дан ортқк давлат туристик ташкилотлари ягона тизимга бирлаштирилди. Республика туризмида қийин, мураккаб бўлиб кўринган муаммоларни, яъни янги туристик йўналишлар очиб, сервис хизмати кўрсатиш, бошқаришни ташкил этилишини тақомиллаштириш, туризмни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш каби ишларни ҳал қилиш зарурияти туғилди.



Хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш жараёнида янги "Сайёх суғурта" хиссадорлик ва "Чиментуркурилиш" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. 2008 йилга келиб, "Ўзбектуризм" миллий компанияси тизимида 31 та хиссадорлик жамияти, 2 та қўшма корхона, 8 та масъулияти чекланган ташкилотлар, 29 та жамоа ва 2 та ижара корхоналари ташкил топди. Улар орасида виллоятимиздан ҳам кўплаб корхоналар бор.

Ўзбекистонда туризм хизмати жадал ривожланиб бориши натижасида кейинги йилларда минтақа туризмидан тушадиган валюта маблағлари кўпайиб бормоқда. Агар 1995 йилда "Ўзбектуризм" миллий компанияси виллоят минтақаси бўлимининг республика ялпи ички

маҳсулотига ҳиссаси 0,05 фойз, умумий хизматлар экспортидаги салмоғи 2,2 фойз бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткичлар 0,07 ва 4,9 фойзга етди.

Мустақиллик йилларида халқаро туризм соҳасида ҳам катта ўзгаришлар юз бериб, республика ҳазинасига валюта тушувлари кўпая бошлади. Шу билан бирга, бозор иқтисодиёти қарор топаётган даврнинг бошларида туристлар камайиб кетган бўлса, 1995 йилдан саёҳатчилар сафи кенгаётгани кузатилмоқда.

Бу албатта, Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарорлиги ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида ўз йўлини тўғри танлаганидан далолат беради.

Комилжон ХУРСАНДОВ.

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЕАЖ бошланғич баҳоси охиб бориш тартибига ўтказилганда охиқ аукцион савдосига тақлиф этилди!

1. Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти хўжалик сўлининг 18.10.2010 йилдаги 11-1026/19628-сонли ижро варақасига асосан, Янгийўл туман, А. Ортоқов қ.ф.да жойлашган, ер майдони 2,4840 га бўлган, "Ишлаб чиқариш пехи бино ҳамда ишпоотлари" қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 250 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2010 йил 14 декабрь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

2. Шунингдек, 2010 йил 30 ноябрь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига тақдоран Чиноз тумани СИБ томонидан, Чиноз туман ИИБ ИХХБ жарима майдонига сакланаётган қўйилган автотранспорт воситалари қўйилмоқда. 1. ЖИБ Янгийўл шаҳар сўлининг 22.09.2009 йилдаги №6733/2009 ижро ҳужжати асосан, "ЭлМ-ММ3-4502" русумли, д/р Х482ULM бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 677 714,22 сўм. 2. ЖИБ Чиноз тумани сўлининг 20.05.2009 йилдаги ижро ҳужжати асосан, "Мерседес Бени-190" русумли, д/р Х679WVN бўлган, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 486 341,35 сўм. "Чинозтабурботивест" МЧЖ оғборлига сакланаётган: 3. Қўйилган тумани сўлининг 29.10.2009 йилдаги №248/09 ижро ҳужжати асосан, "Камаз-53212" русумли, д/р 01Q294AA бўлган, 1979 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 17 296 200,55 сўм. 4. Янгийўл тумани сўлининг 16.03.2010 йилдаги №1-84/10 ижро ҳужжати асосан, "Камаз-5320" русумли, д/р 01J128EA бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 19 491 594,66 сўм. 5. Тошкент вилояти Суд департаментининг янги биносида сакланаётган, Тошкент харбий округи харбий сўлининг 23.11.2009 йилдаги №138/2009 ижро ҳужжати асосан, "Камаз-55102" русумли, д/р 17X7843 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 23 696 818,47 сўм. "Чинозйўлииндустрия" ИЧДК ҳовлисига сакланаётган, №245, 246, 248, 247, 798,800, 844, 843, 842, 760, 927, 1496, 249, 1179, 604, 250, 2665, 2830, 2393 ва 3544 ижро ҳужжати асосан: 6. "Ваз-21099" русумли, д/р 11AB461 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 576 578,95 сўм.

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

Бугун Қамчиқ довони оша ўтиладиган янги автотрассани таърифлаб ўтиришга ҳоҷат йўқ. Халқимиз бу йўлнинг аҳамияти ва қандай барпо этилганини жуда яхши билади ва фахрланади.

Хушманзара Оҳангарон водийси она-табиат инъом этиши мумкин бўлган барча яхши нарсалар – маҳобатли тоғлар, қимматбаҳо тошларга бой конлар, қумушранг тоғ жилгалари, серҳосил боғ-роғлари билан одамларни ўзига мафтун этиб келади. Ва яна она-табиат ўзининг ҳайратомуз тўқис хазина – ажойиб тарихий ёдгорликларини сақлаб-асраб келганки, биз улар бағрида яширинган сир-синоатларни ўрганиб, билиб, завқланамиз, ўтмиш аждодларимиз шаън-шавкатидан фахрланиб яшаймиз.

Дарвоқе, бу кўхна ёдгорликлар тарихи ҳали тўла ўрганилганча йўқ. Ажаб эмаски, мутахассис олимларнинг бундан буюнги изланишлари тарихий обидалар тилсимини янада кенг очиб, бутун жамоатчиликни хушнуд этса...

Қамчиқ довони йўлидан бора туриб, чапга, Эртош томон буриламиз. Йўл юрганимиз сари у юқорига кўтарилиб боради. Асфальт тугаб, уёғига машаққатли йўл бошланади. Биз кўзлаган манзил эса Арашонбобо – Оҳангарон туманининг юраги, табиий гўзалликнинг дурдона хазинаси ва албатта, буюк тилсимотлар маскани. Шу боис, тик тоғ ва тубини кўз илғамайдиган жарликлардан иборат бу йўлдан юриш жуда оғир бўлиш билан бирга, ўта хавфли ҳам.

Эртош билан Арашонбобо ораси олис эмас, нари борса 70 километр. Аммо шу масофани омон-эсон босиб ўтиш учун камида 5 соат вақт керак бўлади. Шундай бўлса-да, одамлар хавф-хатарни писанд қилмай, пою пийёда олға босадилар. Мақсадлари – шоншухратлари бизнинг замонамизга ҳам аслидагидек етиб келиб, жаҳон халқларини хайратга солаётган буюк аждодларимизнинг муқаддас қадамжозларини зиёрат қилиб, таваф этиш. Йўлда ўнлаб сойларни босиб ўтишга тўғри кела-

ди қалъа бўлган. У Арашон довоғига элтадиган ягона йўлни кўриқлаган.

Арашон сўзи сув маъносини англатади. Чинданам 3000 метр баландликда бир эмас, тўртта кўл бор. Узункўл, Тулпоркўл, Етимкўл... Учаласи ҳам деярли музли кўллар. Тўртинчиси – қотлошлар орасинда отилиб чикувчи иссиқ манба бўлиб, сардобага оқиб ўтади. Бу сардобани одамлар тоза ичимлик суви сифатида ҳовуз шаклида ўраб қўйишган. Бу маъдан-

бобо қабри. Кексаларнинг айтишларича, Арашонбобо дахмаси унинг ога-иниси Бобоитог ва Бобоибоб саганалари каби абадий турибди. Улардан бири Янгиободда, иккинчиси – Бобоибоб Тожикистон ҳудудидаги Хос қишлоғи яқинида. Ривоят қилишларича, уч ога-ини Арашонсой бўйида видолаша туриб, қачонки бутун Ер юзиде тинчлик ва муҳаббат ҳукм сурганда яна айнан шу ерда қайта учрашишга сўз беришган. Қийин ва хавфли йўлни

Худудга кирган захотингиз сизни қоқи ўту лолақизгалдоқлар чаманига бурканган бепоён ялангликлар билан сўлим Баҳор кўтиб олади. Арашонбобо дахмаси юқорисида Кузнинг совуқ шамоллари эсиб туради. Узункўл ва ундан юқорида оппоқ қор. Бу табиий сокинликни ҳеч нарса бузолмайди. Худди шу ерда табиатнинг буюк кучини юракдан ҳис этасиз ва ўзингизни у билан уйғунлашиб кетгандек сезасиз.

2008 йилда бизнинг экспедициямиз бу жойларда икки марта бўлди, мураккаб тоғ йўлларини қийинчилик билан босиб ўтди. Ўнлаб шундай саёхатлар жараёнида юзлаб буюк, муқаддас ва шарафли қадамжозларнинг гувоҳи бўлдик. Аммо, Арашонбобога уоштирилган экспедиция энг ёрқин, энг бой таассуротлар қолдирди. Балки, чор атроф баланд тоғ қирраларидан иборат, на бир дархат, на бир уй йўқлиги, ўзида йилнинг тўрт фаслини муҳассас этган табиат билан юзма-юз келганимиз учун шундай туюлгандир?

Экспедициямизнинг экстремал характерга эга бўлганлиги сабабли биз табиатга бағрингни очиб, унга сингиб, уни севиш ва ардоқлашга интилиш орқалигина буюк уйғунликка эриш мумкинлигини аниқ ҳис этдик. Бизнингча, Ватанга, она-заминга чин муҳаббат айнан шундан бошланади. Эро, бизнинг табиатга муҳаббатимиз амалийёт билан уйғунлашди, бу бойликни кўриқлаш, асраш ҳолис ниятимизга айланди.

Она-заминимизга муҳаббатимиз ҳаётимиз завоқига айланди. Зарифа ЭШМИРЗАЕВА, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси.

АРАШОНБОБО



ди. Эртошсой, Келинчаксой, Тошсой, Кутурбулоқ, Арашонсой...

Узоқ замонларда буюк ипак йўли, унинг айрим шохобчалари шу ердан ўтган. Бу йўллар ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб яшаган, одамларга хизмат қилган. Эро, бу йўналишда инсон учун энг зарур неъмат – сув бор эди!

Қачонларди, узоқ ўтинида Арашонсой Узункўлдан ажралиб чиққан жойда, унғ кирғоқда, тахминан 70 метр баландлик-

ли сувнинг ҳарорати +38°С.

Юқорида эски масжид харобалари сақланиб қолган. Қўйроқда, Арашонсой ўртта оқадиган жойда дафн қўрғони бор.

Бу жойларни 1970 йилда археолог О. Ростовцев рўйхатга киритган. Бироқ қазитиш ишлари олиб борилмади. Бутун республикадан бу ерга кичик-кичик зиёратчи гуруҳлар Арашонбобога эхтиром кўрсатиш учун келиб туришган. Иссиқ сув манбаи енида учта дахма бор. Энг йириги – Арашон-

босиб келган одамлар иссиқ сув манбаида ювиниб, муқаддас саганаларни зиёрат қиладилар, тинч ва сокин Узункўлга бош эгдилар. Довурақлари эса Тулпоркўл ва Етимкўл сари кўтарилишади. Аммо бу бармоқ билан санарли зиёратчиларгагина насиб этади.

Йўлда Тошкент шаҳрида ҳарорат +40°С даражасидан ошганда бу ерда +18-20°С бўлади. Бу жойларнинг қадимий табиатига ҳеч нарса раҳна сололмаган. Уй-жойлар йўқ, электр қуввати етиб келмаган. Эртошга келгач, уяли телефонга ҳоҷат қолмайди, яъни бу ерда ушлаймайди. У ер-бу ерда чўпонлар ўтову ёки якка палаткалар кўзга ташланади ва улар ҳам ҳар ўн километрда битта. Бу палаткалар Арашонбобого ёлғиз келаётган пийёда зиёратчиларга тегишли.

Бу гўзал ва мафтункор кенгликларда бир вақтинг ўзида тўрт фаслни бошдан кечирасиз. Эртош орқали юриб, Арашонбобого элтадиган ягона йўлга яқинлашганимизда Ёз ҳукмронлиги қилаётган бўлади.



МАҚСАД ХАЙРЛИ

Вилоят болалар спорт-ни ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан Бўстонлик туманида хайрия акцияси ўтказилди. Уни ташкил этишда вилоят пауэрлифтинг федерацияси, туман ҳокимлиги ҳамда "Ва-

танпарвар" ташкилотининг туман бўлими ҳамкорлик қилди.

Тадбир давомида 6-ва 125-маҳсус интернат мактабларининг 120 нафар ўқувчиси ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандла-

рига спорт кийимлари ва инвентарлар тарқатилди.

Хурият МУМИНОВА. СУРАТДА: хайрия акцияси пайти.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

«ОСИЁ ҲАЙРИЛАРИ – 2010»

ИЛК УЧРАШУВДАГИ ЧИРОЙЛИ ГАЛАБА

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Осиё ўйинларини галаба билан бошлади

Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида XVI ёғи Осиё ўйинлари дастуридан жой олган футбол мусобақаси бошланди. Унда 24 мамлакатнинг 23 ёшгача бўлган футболчилардан таркиб топган терма жамоалари голиблик учун куч сынамоқда. Мусобақа қоидасига кўра, ҳар бир жамоа ўз таркибининг белгиланган ёшдан катта бўлган яна уч нафар футболчи билан қучайтириши мумкин.

"Осиё ўйинлари – 2010" доирасида ўтказилаётган футбол мусобақасида мамлакатимиз шарафини Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ҳимоя қилмоқда.

Ҳамюртларимиз биринчи тур учрашувини "Е" гуруҳида Бангладеш терма жамоасига қарши ўтказди. Ҳаётда ҳар томонлама устунликка эга бўлган футболчилари-

римиз Кенжа Тўраевнинг аниқ зарбаси эвазига ҳисобни очди. Танафусга бир неча дақиқа қолганида Одил Аҳмедов бангладешликлар дарвозасини иккинчи маротаба ишғол қилди. Беллашув ақулнишига бир неча дақиқа қолганда Иван Нагаев учинчи голга муаллифлик қилди.

"Е" гуруҳидаги иккинчи учрашувда Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоаси Сянган (Гонконг) футболчилари билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади. Бирлашган Араб Амирликларидан Абдулла Блуши, сянганликлардан Ман Чан Фай гол урди.

Ўзбекистонлик чарм тўп усталари кейинги учрашувини 9 ноябрь кунини сянганликларга қарши ўтказди. Зоҳир ТОШХҲАЕВ, УзА шарҳловчиси.

Навоий вилояти, Нурота тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 25.06.2010 йилда гувоҳнома рақами № 102 билан рўйхатга олинган (ИНН 451907898) якка тартибдаги тадбиркор Бердиев Ойбек Азаматовичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ҳамда бир дона бурчак тамга йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан барча йўловчи ташвиш йўналишларини ва ҳаракатини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси Абдикодиров Фулмонжон Олимжоновга берилган 22-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод тумани ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2007 йил 11 июлда (реестр рақами № 003052-10) № 000902 рақам билан рўйхатдан ўтган "SHERDOR PARTNERS GROUP" маъсулияти чекланган жамияти ("SHERDOR PARTNERS GROUP" МЧЖ) (СТИР 300508932) 2010 йил 8 ноябрдаги жамият таъсисчилари умумий йиғилишининг 1-сонли қарорига асосан иштиёрий равишда тугатилаётганлигини маълум қилади.

Жамият тугатилаётганлиги муносабати билан эътирозлар маъруз эълон қилган кундан бошлаб 2 ой давомида 100031, Тошкент шаҳри, Носиров 2-тор кўчаси, 15-уйда қабул қилинади.

2005 йил 12 августда Учтепа тумани кадастр хизмати томонидан Тилавова Моҳиғул Насриддиновна номига Берилган Учтепа тумани, 24-қават, 55-уй 136-хонадонга тегишли хужжатлар йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Политехника институти томонидан 1984 йилда Хусанов Муҳиддин Муҳаммадиевич номига берилган № 824801 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ХАЛОСКОР НОЗИР

Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимида ўтказилган эрталлаб йўл-йўриқ тадбирида берилган топшириқларни бажариб, ниҳоят хизмат хонасига кириб келган 2-шаҳар милиция бўлинмаси бошлиғи Зоир Рустамов стол устидаги хужжатларни энди кўздан кечиришга киришган эди, ташқаридан шовқин-сурон эшитилиб қолди. Бу бақир-чақирларни бирор оилавий жанжалхаш ёки кўни-кўшининг ўзаро тўполони деб ўйлаган Зоир Рустамов хат-хужжатни бир четга суриб, стол устида турган бош кийимини кийди-да, ташқарига чиқди.

Бўлинма биносидан нарироқда тўпланган одамлар орасини ёриб кирган капитан ерда хушсиз ётган 5-6 ёшлар чамасидаги болани кўриб, қандай ҳодиса юз берганини дарҳол англади.

Бу болакай Усмон Носир кўчасида шаҳар сув-оқава корхонаси қувурларни сошлаш учун қазиган, бир ярим-икки метрлар чамаси чуқурликдаги сув тўла хандаққа тушиб кетган. Ранги кўкариб бораётган болани кўриб, аёллар йиғлаб, бошқалар ҳам ўзини йўқотиб қўйганиданми, бирор ёрдам кўрсатишга ботинолмади.

Зоир болакайнинг билгани ушлаб кўрди, юраги урмаяпти. Зудлик билан болага сунъий нафас бера бошлади. Бу орада шаҳар ички ишлар бўлими навбатчилик қисми тезкор навбатчи ёрдамчиси Асад Нишонбоев ҳам ёрдамга келди. Биринчи ҳаракат самара бермади, бироқ

сунъий нафас бериш икки-уч бор такрорлангач, бола қалқиб, қайт қилди ва йиғлаб юборди.

Уз вақтида биринчи ёрдам кўрсатган посбонлар дарҳол болани отанасининг ҳамроҳлигида шишохонага юбордилар. Зоир Рустамовнинг ўз вақтида етиб келганлиги ҳамда биринчи ёрдам кўрсатганлиги учун Самад Рисуловнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Буларни бизга Яратганининг ўзи этказди, – деди боланинг онаси Алия Қорабекова. – Милиция ходимларининг тезкор ҳаракатлари сабаб ўғлим омон қолди. Мен бу халоскор посбонларнинг эл-юрт осойишталиги йўлидаги ишлариде муваффақиятлар тилайман.

Юз берган воқеадан 3-4 кун ўтиб, Самад шишохонадан чиққач, биринчи навбатда отаси Мирза ака ва онаси Алия оналар ҳамроҳлигида Зоир Рустамовнинг олдига келишди.

Самад ота-онасидан илдамроқ юриб Зоир Рустамов билан кўришди. Зоир ҳам қувонганидан болани кўтариб олди. Самадининг: – Сизга катта раҳмат, Зоир ака! – дея самимий айтган сўзлари капитаннинг кўнглини тоғ қадар юксалтирди. Узининг одамларга нафи тегиб, бошқаларнинг қорига яраганидан қувонди. Айнан шу соҳани танлаб хато қилмаганини яна бир бор юракдан ҳис қилди. Юртининг бир ўғлини, осойишталик посбони учун бундан ортқ бахт бўлмаса керак. Хуршид РЎЗИЕВ.

ООО "DAVON-SERVIS" (ИНН 201200472), зарегистрированное хокимиятом Чиланзарского района г. Ташкента за № 006382-08 от 19.10.2010г. решением учредителей присоединяется путем слияния с ООО "AVANGARD-SERVIS" (ИНН 204755129), зарегистрированное хокимиятом Чиланзарского района за № 000135-08 от 23.12.2003г. Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента публикации по адресу: ул. Гузаль, 36. Тел.: 217-41-15.

Утеранный аттестат А № 537516 о среднем образовании, выданный 20 июня 1994 году средней школой № 138 Чиланзарского района г. Ташкента на имя Сагатовой Гахар Халмахаммадовны, СЧИТАТЬ НЕДЕЙТСВИТЕЛЬНЫМ.

ООО "GANA GOLD" (ИНН 300492686), зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Мирабадского района за № 002817-03 от 22 июня 2007 года в соответствии с решением учредителей объявляет о преобразовании в ИП ООО "GANA GOLD". Претензии принимаются в течение двух месяцев по адресу: г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Ойбек, 22.

ЧП "ARCHA MEBEL" (ИНН 301410010) Учтепинского района сообщает об уменьшении уставного фонда предприятия с 100 000 000 сумов до 40 000 000 сум. Тел.: 516-28-88.

ООО "RIVOL FARM" (ИНН 206993472), зарегистрированное в инспекции по регистрации субъектов предпринимательства Чиланзарского района, ЛИКВИДИРУЕТСЯ. Претензии принимаются в течение двух месяцев по адресу: ул. Кичик халка, Чиланзар-9-38-1.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти, "Тошкент вилояти худудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташвиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссия"нинг 2010 йил 9 ноябрдаги 43-баённомасининг қарори билан куйидаги: 1. "KELES LUKS TRANS" МЧЖга тегишли: - "Тошкент вилояти худудида йўловчиларни шаҳар атрофида микроавтобусларда ташвиш"га 2009 йил 7 октябрда берилган АТ серияли 000205 рақамли ва "Тошкент вилояти худудида йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ташвиш"га 2009 йил 24 декабрда берилган АТ серияли 000226 рақамли лицензиялар фаолияти 2010 йил 10 ноябрдан 10 (ўн) кун иш қунига тўхтатишга интилиш маълум қилади.

Утеранные документы: план дома, домовая книга на дом по адресу: г. Ташкент, Хамзинский район, ул. Ок-дарё 1-переулок, дом 87, на имя Кампиловой Дильбар, СЧИТАТЬ НЕДЕЙТСВИТЕЛЬНЫМ.

Собир Раҳимов тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "SANTOSH-AVTO" ХКнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "SANTOSH-AVTO" нодавлат таълим муассасасига ўзгартириш муносабати билан даяволар 407-49-04 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Миробод туманидаги "КОМИЛЖОН ОТАВАРАКАТ" хусусий корхонаси Тошкент шаҳри, Миробод туманидан рўйхатдан ўтган (ИНН 205183627) таъсисчининг 01.11.2010 йилдаги № 3-сонли буйруғига асосан ТУГАТИЛАДИ.

Даво ва аризалар икки ой муддат ичида эълон чоп этилган кундан бошлаб 748-36-96 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

СП ООО "Международный академический лицей" сообщает о преобразовании в негосударственное образовательное учреждение "Ташкентский международный академический лицей имени Улугбека". НОУ "Ташкентский международный академический лицей имени Улугбека" становится собственником всего имущества, а также правопреемником всех долгов и обязательств СП ООО "Международный академический лицей". Претензии принимаются в течение одного месяца с момента выхода настоящего объявления по адресу: Республика Узбекистан, 100100, г. Ташкент, Яскасарайский район, ул. Ш. Абдуллаева, дом 3-А.

ЧП "ENIGMA AZIA" (ИНН 300918708, ОКПО 15330), зарегистрированное в Мирабадском районе, ЛИКВИДИРУЕТСЯ. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления по адресу: г. Ташкент, Мирабадский р-н, ул. С. Азимова, 72-А. Тел.: 904-64-61.

Утеранный гос. ордер № 21-01/338 от 08.09.05г. права собственности на квартиру Нурматова Елкана Рузимутовича, СЧИТАТЬ НЕДЕЙТСВИТЕЛЬНЫМ.

Шайхонтоҳур тумани, Бог кўчаси, 98-уйга тегишли 1993 йил 29 октябрда Турсунов Нигматжон Хамитджанович номига берилган уй плани йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

7-сонли бизнес мактаб томонидан 2002 йилда Юсулов Нодир Носирович номига берилган КНМ № 043709 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳридаги Қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи томонидан 2009 йилда Каюмов Ботир Баҳодир ўли номига берилган К № 544162 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтоҳур тумани, Қизил гўнча кўчаси, 30-уйга тегишли Раҳимов Хатир номига берилган уй плани ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

РАССОМ ХАНДАСИ

– Бошингизни ҳам бир эшитиб кўрай. Қани, уйлаб, яхши, энди уйламанг-чи...



Chevrolet NIVA

Ҳақиқий автомобилнинг янги кўриниши



Расмий дилери: "SANAR" хусусий корхонаси www.sanar.uz Ташкент ш. Кичик халка йўли, 22в (мўлжал: Жанубий вокзал) тел.: (+998 71) 140-00-61, (+99890) 317-67-97, 325-88-87



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манъиялими: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Навбатчи Хуршида ТУРСУНБЕКОВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ